

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI

KOMPLAYENS VA KORRUPSIYAGA QARSHI

ICHKI NAZORAT BOSHQARMASI

KOMPLAYENS VA KORRUPSIYAGA QARSHI ICHKI NAZORAT
XODIMLARI FAOLIYATINI TASHKIL ETISHGA DOIR

QO'LLANMA

Вазифа ва функцияларнинг қисқача тафсилоти

TOSHKENT - 2026

МУНДАРИЖА



Комплаенс ва коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси ходимларига юклатилган вазифа ва функцияларнинг ҚИСҚАЧА ТАФСИЛОТИ



Тузилманинг вазифа ва функциялари



Коррупцияга қарши курашга масъулнинг ҳуқуқлари



Коррупцияга қарши курашга масъул ходимнинг мажбуриятлари



Коррупцияга қарши курашиш бўйича ички локал ҳужжатлар



Вазирлик тизими барча ходимларининг мажбуриятлари



Ходимларга нисбатан ўрнатилган чеклов ва тақиқлар



Қонунчиликдаги янгиликлар ва жавобгарлик чоралари

Комплаенс ва коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси

ходимларига юклатилган вазифа ва функцияларнинг ҚИСҚАЧА ТАФСИЛОТИ

Коррупцияга қарши курашиш соҳасида фаолият “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги ва яна 9 та Қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19 та Фармон ва Қарорлари, Олий Мажлис Сенатининг 2 та қарори, 3 та Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 7 та Адлия вазирлигида рўйхатга олинган идоравий ҳужжат, 3 та низом ва келишувлар ҳамда 25 та халқаро ҳужжат, шунингдек, Вазирнинг 2 та буйруғи ва тасдиқланган 15 та ички локал ҳужжатлар ҳамда бошқа амалдаги қонунчилик ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

Тизимда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги фаолият билан Комплаенс ва коррупцияга қарши ички назорат бошқармаси ҳамда вазирликнинг ҳудудий бошқармалари, шунингдек, тизим ташкилотлари ва муассасаларидаги масъул ходимлари (бўлинмалари) шуғулланади.

Коррупцияга қарши курашга масъуллар

қонунчилик ва ички локал ҳужжатларга асосан тизимда коррупция ҳолатларини барвақт аниқлаш ва олдини олиш, уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик ҳамда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш чораларини кўришга масъул ҳисобланади.

Асосий мақсади

тизимда, шунингдек, унинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида коррупцияга қарши кураш бўйича ISO37001:2016 халқаро стандарти талабларига жавоб берувчи комплекс тизимни жорий этиш ва ривожлантириш, коррупциявий ҳолатларни барвақт аниқлаш ва уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш, коррупциявий хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш, ходимларда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш мақсадида, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, тизимда коррупцияга қарши профилактик чора-тадбирларни ташкил этиш, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳужжатлар ижросини таъминлашдан иборат.

Қўйидагилар Комплаенс ва коррупцияга қарши ички назорат тузилмасининг вазифа ва функциялари ҳисобланади:

- – Президентнинг 2025 йил 21 апрелдаги ПҚ-147-сонли қарори 1-бандига асосан 9 та устувор вазифаси;
- – “Коррупцияга қарши ички нazorat бўлинмалари фаолияти тўғрисида”ги намунавий низомга (2026 йил 6 май, рўйхат рақами 3829) мувофиқ 10 та вазифа ва 40 та функцияси;
- – Президентнинг 2022 йил 12 январдаги ПҚ-81-сонли қарорига асосан коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш вазирлик ҳудудий бошқармалари ва тизим ташкилотларининг таркибий бўлинмалари ва Комплаенс ва коррупцияга қарши ички нazorat тузилмаси томонидан ҳар чорақда (10 апрель, 10 июль ва 10 октябрга қадар) чораклик маълумотлар, ҳар рейтинг баҳолаш йили якунида (10 январдан кечиктирмай) эса йиллик маълумотлар 5 та йўналиш ва 29 та индикатор кўрсаткичлари жадвалини тўлдириб, Вазирликка юборилади, Комплаенс ва коррупцияга қарши ички нazorat бошқармаси ушбу маълумотларни умумлаштириб, “E-Anticor.uz” электрон платформасига киритади;
- – Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2 августдаги 424-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 25-бандига мувофиқ ташкилотнинг хизмат сафарига юборилган ходимларини манфаатлар тўқнашуви ва коррупциявий ҳолатларга йўл қўймасликлари ўстидан доимий нazorat олиб боради;
- – “Давлат фуқаролик хизматчиси томонидан хизмат сафарлари, халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан олиниши мумкин бўлган совға қиймати, шунингдек уни тасарруф этиш тартиби тўғрисида”ги низомнинг (2023 йил 13 март, рўйхат рақами 3425) 7-бандига мувофиқ, совғалар билан боғлиқ масалаларни нazorat қилади ва мувофиқлаштиради;
- Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан уларнинг ҳудудий бўлинмалари, давлат муассасалари, давлат улуши 50 фоиздан юқори ташкилотлар фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш услубиётининг (2022 йил 31 август, рўйхат рақами 3383) 6, 10 ва 14-бандларига мувофиқ, **ташкилотнинг фаолияти (вазифа ва функциялари)даги коррупциявий хавф-хатарларни аниқлайди ва манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини таҳлил қилади.**

Коррупцияга қарши курашга масъулнинг ҳуқуқлари:

- ўзи фаолият юритаётган ташкилот ходимларидан уларнинг ваколатига кирувчи масалалар юзасидан таҳлилий материалларни, хулосаларни, статистик ва бошқа маълумотларни сўраб олиш;
- хизмат мажбуриятларини бажариш доирасида ташкилот ходимларидан зарур ёрдам сўраш ва олиш;
- давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари фаолиятида аниқланган коррупциявий ҳуқуқбузарликлар юзасидан хизмат текширувларини ўтказиш;
- давлат органлари ва ташкилотлари раҳбариятига коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;
- ўз фаолияти ва ваколати доирасида ташкилот тизими ходимларига ёзма кўрсатмалар, топшириқ ва тавсиялар бериш;
- давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга оид мажлисларида иштирок этиш;
- текширувлар ўтказиш, ҳужжатларни талаб қилиш ва ходимлардан ёзма тушунтиришлар олиш.

Коррупцияга қарши курашга масъул ходимнинг мажбуриятлари:

- ушбу Низом ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан зиммасига юклатилган вазифаларни зарур даражада ва самарали бажариш;
- қонунчилик ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилиш ва ўз ваколат доирасидан четга чиқмаслик;
- давлат органлари ва ташкилотлари тизимида жиноят аломатлари, хусусан коррупция ҳолатлари аниқланганлиги тўғрисида зудлик билан тўғридан-тўғри юқори турувчи орган, Агентлик ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериш;
- давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши курашиш сиёсати, одоб-ахлоқ қоидаларининг коррупцияга оид қисмининг бузилганлиги факти юзасидан ташкилот раҳбариятига маълумотномалар киритиш;
- ҳар ой якуни бўйича кейинги ойнинг биринчи ўн кунлигида коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилган ишлар ва чора-тадбирлар тўғрисидаги ойлик ҳисоботни Агентликка ҳамда давлат органлари ва ташкилотларининг биринчи раҳбарига тақдим этиш.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича ички локал ҳужжатлар

Вазирнинг 2025 йил 8 июлдаги 203-сонли буйруғи билан коррупцияга қарши курашиш бўйича қуйидаги 14 та ички локал ҳужжатлар қабул қилинган:

- коррупцияга қарши курашиш сиёсат – ходимлар фаолиятида коррупциявий ҳуқуқбузарликларга мурасасизлик ва уларни содир этишга йўл қўймасликни акс эттиради;
- коррупцияга оид ҳаракатлар тўғрисида ахборот бериш учун алоқа каналлари орқали келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва қайта ишлаш регламенти – коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва тегишли таъсир чораларини кўришга қаратилган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, коррупцияга оид ҳаракатлар ҳақида ахборот бериш учун алоқа каналлари ишлашининг асосий тамойилларини, шунингдек, хабарларни қабул қилиш, уларни рўйхатдан ўтказиш ва келиб тушган хабарларга муносабат билдириш тартибини белгилайди;

Шунингдек, мурожаатлар “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонун ва Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сонли қарори билан тасдиқланган намунавий низом ва Ташкилотнинг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги низом талабларида назарда тутилган тартибда кўриб чиқилади.

- коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати ҳақидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш регламенти – коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиши ва коррупцияга қарши тадбирларнинг бажарилиши ҳақидаги ҳисоботни шакллантириш тартибини белгилайди;
- манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги низом – фаолиятда манфаатлар тўқнашувини аниқлаш, олдини олиш ва тартибга солиш тартибини белгилайди;
- коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубиёти – юклатилган вазифа ва функцияларни бажаришда юзага келадиган коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашга қўйиладиган талабларни белгилайди ҳамда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашда ягона ёндашувни яратишга қаратилган;
- ходимлар учун коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитишни ташкил этиш юзасидан услубий кўрсатмалар – коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва уларни содир этишга олиб келаётган сабабларни бартараф этиш, ходимларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва уларни қонун ҳужжатларига ҳамда Вазирлик, унинг ҳудудий бўлинмалари ва ташкилотларининг ички ҳужжатларига риоя қилиш руҳида тарбиялашга қаратилган;

- коррупцияга қарши тамойиллар ва талабларга риоя қилинишини мониторинг ва назорат қилиш услубиёти – тизимда коррупцияга қарши тамойиллар ва талабларга риоя қилинишини мониторинг ва назорат қилиш тартибини белгилайди, мониторинг деганда – коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиши самарадорлигини баҳолаш ҳамда вазирлик ва унинг ҳудудий бўлинмалари ва тизим ташкилотларининг фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш мақсадида текшириш, назорат ёки танқидий ўрганиш кўринишида амалга оширилиши мумкин бўлган коррупцияга қарши курашиш тизими ҳолатининг таҳлили тушунилади;
- контрагентларни текширишга оид йўриқнома – харид қилиш тартиб-таомиллари, шу жумладан тўғридан-тўғри шартнома тузишда иштирокчиларни мажбурий текширишнинг асосий талаблари, тартиби ва усуллари белгилайди;
- ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича йўриқнома – ишга қабул қилишда номзодлар текширувини ўтказишнинг тамойиллари, талаблари, тартиби ва муддатларини белгиловчи ички ҳужжат ҳисобланади;
- ходимларнинг коррупциявий хатти-ҳаракатлари ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувлари ўтказиш бўйича регламент – коррупцияга қарши курашишга оид қонунчилик ёки ички идоравий ҳужжатларини бузилишига нисбатан хизмат текширувини ўтказишни белгиловчи ҳужжат ҳисобланади;
- давлат харидлари устидан назоратни ташкил этиш бўйича услубий қўлланма – Комплаенс ва коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси ва Ички аудит хизмати томонидан давлат харидлари устидан назоратни амалга ошириш жараёнида қўлланиладиган бажариш учун тавсия этиладиган методларни (усулларни), тартиб-таомилларни белгилайди;
- ходимлар томонидан хизмат сафарлари, халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан олиниши мумкин бўлган совға қиймати, шунингдек, уни тасарруф этиш тартиби тўғрисидаги низом – ходимлар томонидан хизмат сафарлари, халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан олиниши мумкин бўлган совға қиймати, шунингдек, уни тасарруф этиш тартиби вазирлиكنинг “Коррупцияга қарши курашиш сиёсати”да белгиланган тамойил ва талабларига мувофиқ бўлишини таъминлайди;
- коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган ходимларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низом – коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқача тарзда кўмаклашган ходимларни рағбатлантириш тартибини белгилайди;
- монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш ва унинг ишлаш тартиби тўғрисида низом – тизимда монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш, унинг фаолият юритиш ва мониторинг қилиш тартибини белгилайди;

меҳнат шартномаларига киритиладиган асосий шартлар – ходим меҳнат шартномаси бўйича ўз хизмат вазифаларини бажараётганда, коррупциявий хатти-ҳаракатларда қатнашмаслик, шу жумладан ғайриқонуний имтиёзларни олиш ёки бошқача тарзда ғайриқонуний мақсадларда ўзининг ёки бошқа шахсларнинг ҳаракатлари ёки қарорларига таъсир қилиш учун пул маблағлари

ёки бошқа қимматликлар кўринишида пора таклиф қилмаслик, ваъда бермаслик, пул тўламаслик, товламачилик қилмаслик, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермаслик ва пора олмаслик, бирон-бир шахс фойдасига ёки бирон бир шахс хизматларидан фойдаланмаслик, мол-мулк ёки мулкӣ ҳуқуқларни олмаслик, шунингдек ўз ваколатларини суиистеъмол қилмаслик мажбуриятини олади;

контрагентлар билан тузиладиган шартномаларга киритиладиган асосий шартлар

тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан, пора беришни таклиф қилмайди, ваъда бермайди, товламачилик қилмайди, пора сифатида пул тўламайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки пора, яъни ходим ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёки мумкинлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкӣ наф олмайди. Тарафлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

Вазирлик тизими барча ходимларининг мажбуриятлари:

- хизмат вазифаларини бажаришда давлат принциплари ва талабларига қатъий риоя этиш;
- ўз хизмат вазифаларини виждонан, юксак касбий даражада бажариш;
- юқори давлат органлари ва мансабдор шахсларининг ўз ваколати доирасида қабул қилган (берган) қарорлари (топшириқлари)ни ўз вақтида сифатли бажариш;
- ўз фаолиятини қонун ҳужжатларида ички идоравий ҳужжатларда белгиланган лавозим ваколатлари доирасида амалга ошириш;
- ўз хизмат вазифаларини бажаришда бирор-бир шахслар, гуруҳлар ёки ташкилотларга ён босмаслик ва устунлик бермаслик, уларнинг таъсиридан мустақил бўлиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва қонуний манфаатларини ҳисобга олиш, камситиш ҳолатларига йўл қўймаслик;
- ўз хизмат вазифаларини бажаришга тўсқинлик қилувчи бирор-бир шахсий, мулкӣй ва бошқа манфаатларнинг таъсири билан боғлиқ бўлган хатти-ҳаракатларга барҳам бериш;
- норматив-ҳуқуқӣй ва идоравий ҳужжатларда белгиланган чеклашлар ва тақиқларга риоя қилиш, ўз хизмат вазифаларини оғишмай бажариш;
- ўз хизмат фаолиятига бирор-бир таъсир кўрсатиш имкониятига барҳам бериш;
- Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар халқларининг анъаналарини ҳурмат қилиш, турли этник, ижтимоӣй гуруҳлар ва конфессияларнинг маданий ҳамда бошқа хусусиятларини ҳисобга олиш, ижтимоӣй барқарорликка, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликка кўмаклашиш;
- ўзларининг хизмат вазифаларини виждонан бажаришда шубҳа пайдо қилиш мумкин бўлган хулқ-атвордан ўзини тийиш, шунингдек, ўз обрўсига ёки Ташкилотнинг нуфузига зарар етказишга қодир бўлган вазиятларга йўл қўймаслик;
- хизмат мавқеидан давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек фуқаролар фаолиятига ноқонунӣй таъсир кўрсатиш учун фойдаланмаслик;
- хабарларни ва хизмат ахборотларини тақдим қилишнинг белгиланган қоидаларига риоя этиш.

Ходимларга нисбатан ўрнатилган чеклов ва таъқиқлар:

- мулкый чеклов ва таъқиқлар;
- сўз эркинлиги билан боғлиқ чеклов ва таъқиқлар;
- эътиқод эркинлиги билан боғлиқ чеклов ва таъқиқлар;
- сиёсий фаолият билан шуғулланиш билан боғлиқ чеклов ва таъқиқлар;
- тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш борасидаги чеклов ва таъқиқлар;
- эркин ҳаракат қилиш билан боғлиқ чеклов ва таъқиқлар.

Қонунчиликдаги янгиликлар ва жавобгарлик чоралари

Жиноят кодексига киритилган қўшимчаларга кўра, коррупцияга оид жиноятлар қуйидагилар этиб белгиланди:

- Жиноят кодекси 167-моддаси 3-қисми «д» бандида, 168-моддаси 4-қисми «г» бандида, 192-9, 192-10-моддаларида, 192-11-моддаси 2-қисми «в» бандида, 205-моддаси 2-қисми «в» бандида, 206-моддаси 2-қисми «в» бандида, 208-моддаси 2-қисмида, 209-моддаси 2-қисми «в» бандида, 210, 211, 212, 213, 214, 214-1, 214-2-моддаларида ва 301-моддаси 2-қисми «б» бандида назарда тутилган жиноятлар;
- Кодекснинг 243-моддасида назарда тутилган жиноят, агар мазкур жиноят коррупцияга оид жиноятларни содир этиш натижасида олинган даромадларни легаллаштириш билан боғлиқ ҳолда содир этилган бўлса.
- Шунингдек, жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилганлик, фирибгарлик учун ҳукм қилинган ва содир этган жинояти туфайли етказилган зарарнинг ўрнини тўлиқ қопламаган шахсга қўлланилмаслиги белгиланди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган қўшимчаларга кўра:

давлат хариди предметининг бошланғич нархи ва унинг ўртача бозор нархи ўртасида йўл қўйиладиган тафовутнинг энг кўп миқдорига нисбатан белгиланган талабни бузиш, бундан талон-торож қилиш ҳоллари мустасно,

мансабдор шахсларга БҲМнинг 30 бараваригача жарима солишга сабаб бўлиши белгиланди.

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунга киритилган қўшимчаларга кўра, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳудудий кенгашлар ташкил этилади.

Давлат органлари ва ташкилотларида компаенс ва коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари ташкил этилади.

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунга киритилган қўшимчаларга кўра, давлат органлари ва ташкилотлари, ҳудудлар ва соҳалар кесимида коррупция даражасини аниқлаш ва уни минималлаштириш мақсадида коррупцияга оид хавф-хатарлар харитаси шакллантирилади.

Хавф-хатарлар харитаси қуйидагилар асосида шакллантирилади:

- коррупцияга оид жиноятчилик статистикаси;
- коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳуқуқни қўллаш амалиётининг таҳлили;
- аҳолининг коррупцияга бўлган муносабати;
- коррупцияга қарши курашиш бўйича сиёсатнинг самарадорлигига доир маълумотлар;

- коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг ахбороти.
- Коррупцияга оид хавф-хатарлар харитаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан юритилади.
- Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик натижасида тузилган битимларни ҳақиқий эмас деб топиш қонунда белгиланган тартибда, ваколатли давлат органининг, манфаатдор шахснинг аризасига асосан суд томонидан амалга оширилади.
- Ўзи меҳнат фаолиятини олиб бораётган давлат органида коррупцияга оид жиноят тўғрисида асосли хабар берган шахсга Коррупцияга қарши курашиш агентлигини олдиндан хабардор этмасдан 2 йил давомида интизомий жазо чораларини қўллашга йўл қўйилмайди.
- Киритилган қўшимчаларга кўра, коррупцияга оид жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган шахслар Коррупцияга оид жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган шахсларнинг электрон реестрига киритилади.
- Ички ишлар вазирлиги коррупцияга оид жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган шахсларга нисбатан айблов ҳукми қонуний кучга кирган пайдан эътиборан 3 иш куни ичида реестрга шахс ҳақидаги маълумотларни киритади.
- Электрон реестрда коррупцияга оид жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган шахслар тўғрисидаги маълумотлар Жиноят кодексида белгиланган судланганлик муддати давомида сақланади.

Электрон реестрга киритилган шахсларга нисбатан қуйидаги чекловлар белгиланади:

- давлат хизматига кириш ва давлат мукофотлари билан тақдирланиш;
- сайланадиган ва алоҳида тартибда тайинладиган лавозимларга номзодининг кўрсатилиши;
- давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари ҳамда идоралараро коллегиал органларнинг аъзоси бўлиш;
- ўзи таъсис этган ва устав фондидаги улушининг 50 фоизидан кўпроқ қисмига ўзи эгалик қиладиган тадбиркорларнинг давлат харидларида ва давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда иштирокчи сифатида қатнашиш;
- давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган ташкилотларда ва давлат таълим муассасаларида раҳбарлик лавозимларида фаолият юритиш.
- Электрон реестр Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан Ички ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда юритилади.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI

KOMPLAYENS VA KORRUPSIYAGA QARSHI
ICHKI NAZORAT BOSHQARMASI

**KOMPLAYENS VA KORRUPSIYAGA QARSHI ICHKI NAZORAT XODIMLARI
FAOLIYATINI TASHKIL ETISHGA DOIR**

TOSHKENT – 2026

